

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ЕРЛАРНИ  
ФОЙДАЛАНИШГА КИРИТИШДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ  
ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН  
БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАБ БЕРИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон [Фармони](#)га мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 24 февраль,  
109-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон [қарорига](#)  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга  
киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва  
реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби  
тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни бир қисмини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари:

аввал фойдаланишга қайтарилган ер майдонларида амалга оширилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш

ишларига ҳамда мавжуд ирригация ва мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларига нисбатан татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонининг [3-иловасида](#) келтирилган туман (шаҳар)нинг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ирригация объектлари** — сув ресурсларини бошқариш, тўплаш ва уларни сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига етказиш, суғориладиган ерларни сув билан таъминлашга кўмаклашадиган, гидроузеллар, сув оқимини йўналтириш, дарёлар ва каналлар ўзанларини ҳимоя қилиш, сув омборлари, сел-сув омборлари, ирригация тизими каналлари ва суғориш тармоқлари иншоотлари билан, насос станциялари, суғориш вертикал кудуқлари, сув олиш, сув ташлаш, сув чиқариш ва бошқа иншоотларни ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари;

**мелиорация объектлари** — коллектор-дренаж ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж кудуқларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари;

**ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш** — ирригация ва мелиорация объектларини тўлиқ ёки қисман қайта қуриш ва қуриш. Объект реконструкция қилингандан кейин унинг дастлабки лойиҳа параметрлари ва иншоотлар таркиби янги лойиҳага мувофиқ қисман ёки тўлиқ ўзгариши мумкин;

**лойиҳа ташаббускори** — қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритувчи ва шу мақсадда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция ишларини ўз маблағи ҳисобидан амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикаси резидентлари.

4. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш (кейинги ўринларда қуриш ва реконструкция қилиш объектлари деб аталади) билан боғлиқ харажатларни қоплаш инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилади.

5. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда Давлат бюджети деб аталади) маблағлари ҳисобидан (субсидия сифатида) тузилган инвестиция

шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик битими доирасида бир марта қоплаб берилади.

Бунда лойиҳа ташаббускорларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция ишлари харажатларининг қолган қисми уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мазкур Низомнинг **5-бандига** мувофиқ Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатлар учун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига марказлашган харажатлар сметасида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига асосан мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланадиган қўшимча маблағлар назарда тутилади.

7. Лойиҳа ташаббускорларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ қопланади.

## **2-боб. Қуриш ва реконструкция қилиш объектларининг манзилли дастурини шакллантириш**

8. Туман (шаҳар) ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳудудий органлари ҳамда манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда ҳисобот йилида қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг манзилли рўйхатини ҳисобот йилининг 1 февралига қадар шакллантиради ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига киритади.

Манзилли рўйхатни шакллантиришда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон **Фармони**га асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш прогноз кўрсаткичлари;

фойдаланишга киритилаётган ирригация ва мелиорация объектларининг номи, ер майдони, қуввати, уларнинг дастлабки қиймати ва лойиҳа ташаббускорлари номи;

тупроқ унумдорлиги, ерларнинг балл бонитети ҳамда инфратузилма объектлари (дала шийпони, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар инобатга олинади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган манзилли рўйхатни белгиланган тартибда умумлаштириб, ҳисобот йилининг 1 мартига қадар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этадилар.

Манзилли рўйхатни сифатли шакллантириш, тақдим этилган маълумотларнинг аниқлиги юзасидан жавобгарлик Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига юклатилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган манзилли рўйхатни кўриб чиқади ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳисобот йилининг 1 апрелига қадар тасдиқлайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ бўлган қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун Давлат бюджетидан ҳар бир гектар ерга 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган ҳолда қопланадиган қисмини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича тасдиқланган манзилли дастурига асосан мазкур мақсадлар учун марказлашган харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида аниқлайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳисобот йилида қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатини, ҳисобот йилининг 15 апрелига қадар оммавий ахборот воситаларида ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб боради.

### **3-боб. Қуриш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича инвестиция шартномасини ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш**

13. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари (кейинги ўринларда Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган манзилли дастурларга асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда инвестиция шартномаси ёки «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг [Қонуни](#) талабларидан келиб чиқиб лойиҳа ташаббускорлари билан инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим имзолайдилар.

Бунда инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Давлат бюджетидан ҳар бир гектар ерга ажратиладиган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори кўрсатилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ер майдонларини инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг ваколатли давлат органи қарорига асосан лойиҳа ташаббускорига ушбу Низомда белгиланган тартибда ажратиб беради.

15. Инвестиция шартномасида ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

лойиҳа ташаббускори томонидан бажариладиган қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари рўйхати ва унга талаб этиладиган маблағлар дастлабки миқдори;

бизнес лойиҳа;

Давлат бюджетидан ҳар бир гектар ерга ажратиладиган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори ва бошқа мажбуриятлар.

#### **4-боб. Қуриш ва реконструкция қилиш харажатларини давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби**

16. Лойиҳа ташаббускорлари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари яқунланиб, сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплашга маблағ олиш учун тегишли равишда Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза-талабнома;

амалга оширилган қуриш ва реконструкция ишлари харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси (ҳисоб-фактура ва бошқалар);

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раислигида тасдиқланадиган фойдаланишга қабул қилиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан расмийлаштирилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича яқунланган ишларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси.

17. Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига лойиҳа ташаббускори томонидан мазкур Низомнинг [15-бандида](#) белгиланган ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинмаганда, уларни уч иш кунида лойиҳа ташаббускорига тўлиқ ҳолда тақдим қилиш учун қайтаради.

18. Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари лойиҳа ташаббускорларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш бўйича бажарилган мелиорация ва ирригация тадбирларини қоплаб бериш юзасидан келиб тушган ҳужжатларни уч иш куни ичида кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

19. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосан қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг Давлат бюджетидан қопланадиган қисмини уч иш кунида Сув хўжалиги вазирлигининг марказлашган харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида шахсий ғазна ҳисобварағи орқали лойиҳа ташаббускорларининг банк ҳисобварағига ўтказиб беради.

20. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорлар маблағлари ҳисобидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича келишувлар амалга оширилган ҳолларда, эришилган келишувлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига икки томонлама молиялаштиришни ва Давлат бюджети маблағларини мақсадлилигини таъминлаш бўйича ҳар чоракда бир марта ахборот киритиб борилади.

Бунда халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорлар маблағлари ҳисобига қуриш ва реконструкция қилиш ишлари билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмайди.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилиши ҳамда Давлат бюджети маблағлари ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан тизимли равишда назорат амалга оширилади.

22. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритиш учун ирригация ва мелиорация объектларини Давлат бюджетидан субсидия берилган ер майдонларида қуриш ва реконструкция ишлари юзасидан назорат берилган ваколатлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари зиммасига юклатилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги [НИЗОМГА](#)  
ИЛОВА

**Лойиҳа ташаббускорларининг ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларини Давлат бюджетидан қоплаш**

#### **СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддати</b>
<b>1-босқич</b>	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектлар манзилли рўйхатини шакллантиради ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар	Ҳисобот йилнинг 1 февралига қадар

		<p>ҳокимликларига киритади.</p> <p>Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган манзилли рўйхатларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.</p>	
<b>2-босқич</b>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>		<p>Ҳисобот йилнинг 1 мартига қадар</p>
<b>3-босқич</b>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p>Республика бўйича фойдаланишга киритиладиган ерлар рўйхати ҳамда майдонини кўриб чиқади ва манзилли рўйхатни тасдиқлайди.</p>	<p>календарь йилнинг 1 апрелига қадар</p>
<b>4-босқич</b>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p>Ҳисобот йилида қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатини оммавий ахборот воситаларида ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб боради.</p>	<p>Ҳисобот йилининг 15 апрелига қадар</p>
<b>5-босқич</b>	<p>Сув хўжалиги вазирлигининг худудий органлари</p>	<p>Тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан лойиҳа ташаббускорлари билан инвестиция шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзолайди.</p>	<p>қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган тартибда</p>

<p><b>6-босқич</b></p>	<p>Лойиҳа ташаббускорлари</p>	<p>Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланиб, сарфланган харажатларнинг Давлат бюджетидан бир қисмини қоплаш учун Сув хўжалиги вазирлигининг вилоят ҳудудий органларига Низомда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади.</p>	<p>қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунлангандан сўнг уч кун мобайнида</p>
<p><b>7-босқич</b></p>	<p>Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари</p>	<p>Лойиҳа ташаббускорлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни умумлаштириб ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тақдим этади.</p>	<p>уч кун мобайнида</p>
<p><b>8-босқич</b></p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги</p>	<p>Ер майдонларини фойдаланишга киритишда қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг Давлат бюджетидан қопланадиган қисмини лойиҳа ташаббускорларининг банк ҳисобварағига ўтказиб беради.</p>	<p>уч кун мобайнида</p>

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.02.2020 й., 09/20/109/0214-сон)*